

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ ЭКСПОРТ
САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ
ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ
(Кўчирма)

Махсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир
йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджети маблағлари хисобидан қисман компенсация қилишга
субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида



Кун тартибидаги масала муҳокама қилинди ва муҳокама якунларига асосан,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада кўллаб-куватлаш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорида берилган
топшириклар ижросини ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида
Республика комиссияси қарор қилди:

1. Махсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида
ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан
қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом
иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари –
Инвестициялар ва ташқи савдо вазири,
Республика комиссияси раиси

С. Умурзаков

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
24/1-1111-сон



Республика худудлари ва тармоқлари экспорт
салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича
доимий фаолият юритувчи республика
комиссиясининг 2020 йил 25 майдаги
24/1-1111-сон қарорига
ИЛОВА

**Махсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида
ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
хисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар
такдим этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон “Экспорт фаолиятини янада кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ экспорт қилувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектларига (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар хисобидан компенсация қилиб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги;

воситачилик шартномаси – бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент хисобидан экспорт шартномалари тузиш орқали комитент маҳсулотларини маълум бир ҳақ эвазига экспорт қилиш бўйича тузилган шартнома;

компенсация – маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини қоплаб бериш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда хисобланган, ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар хисобидан тўлаб бериладиган маблағ;

маҳсулотлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхатида кўрсатилган маҳсулотлар. Бунда, мазкур рўйхатга Республика худудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши мумкин;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати – маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

субсидия – маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини экспорт қилувчига компенсация қилиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ваколатли органга ажратиладиган маблағ.

транспорт-экспедиторлик компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспорти орқали экспорт қилишда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатувчи хўжалик субъекти;

транспорт компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспортида экспортга ташиш хизматларини кўрсатувчи хўжалик субъекти;

транспорт харажати – экспорт қилувчи томонидан маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида (аралаш ёки алоҳида транспортда) экспортга ташиш билан боғлиқ хизматлар учун тегишли шартнома (инвойс)ларга мувофиқ транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компаниясига тўланган маблағ ёки экспорт қилувчининг ўз балансидаги автомобиль транспортида маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича амалга оширган молиявий харажати, бундан денгиз транспортида ташиш харажатлари мустасно;

экспорт қилувчи – Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили;

2-боб. Компенсация тақдим этиш учун асосий шартлар

3. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига компенсация тақдим этилиши учун: экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган;

маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош бўлмаган (Афғонистон Ислом Республикасидан ташқари) давлатларга экспорт қилинган маҳсулотлар, бундан тухум ҳамда парранда гўшти ва маҳсулотлари (ТИФ ТН коди 0407210000, 0207) мустасно;

маҳсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимига жойлаштирилган;

экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да Инкотермс шартлари асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юклangan ва ушбу харажатлар учун тўловлар экспорт қилувчи томонидан амалга оширилган бўлиши керак.

3-боб. Компенсация қилиб бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиши тартиби

4. Ваколатли орган томонидан транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмига компенсация қилиб бериш бўйича экспорт қилувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиши мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Транспорт харажатлари бўйича компенсация олиш учун экспорт қилувчи томонидан ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда ариза берилади. Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

маҳсулотларни экспорт қилиш юкхатлари нусхаси;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси;

экспорт қилувчи билан транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси ўртасида тузилган маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва (ёки) ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўз балансидаги автомобиль транспортида экспортга ташиганда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳисоб-китоблар тегишли ҳужжатлар нусхалари билан тақдим этилади;

маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда маҳсулотлар экспортга ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойигача бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар.

6. Экспорт қилувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Экспорт қилувчи томонидан компенсация олиш учун ариза ва тегишли ҳужжатлар ваколатли органга бевосита, поча алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилади.

Бунда, экспорт қилувчилар 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида экспорт қилган маҳсулотлари бўйича амалга оширган транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмига компенсация олиш учун ваколатли органга аризалар тақдим этишга ҳақли.

Аризада экспорт қилувчининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан бевосита тақдим этилаётганда ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

9. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан поча алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, ваколатли орган уч иш куни мобайнида экспорт қилувчига ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтаради.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар ваколатли орган томонидан етти иш куни давомида кўриб чиқилади.

11. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-бандидаги шартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади.

12. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

13. Экспорт қилувчи аризаси бўйича компенсация бериш юзасидан қарор (хулоса) ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Бунда экспорт қилувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Компенсация беришни рад этишнинг асослари

14. Экспорт қилувчига компенсация беришни рад этиш учун куйидагилар асос бўлади:

экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган хужжатларнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган хужжатларда ушбу Низомда белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузуб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган асосларга кўра экспорт қилувчига компенсация беришнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисида қарор (хуносса) олганда рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда компенсация олиш учун ваколатли органга ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

17. Экспорт қилувчи компенсация берилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан (хуносадан) норози бўлган тақдирда, шунингдек, ваколатли органнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юкори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳукуқига эга.

5-боб. Компенсация миқдорини аниқлаш ва тўловни амалга ошириш тартиби

18. Компенсация миқдори мазкур Низомнинг 3–5-иловаларида келтирилган субсидияларнинг қатъий белгиланган миқдорлари жадвалига мувофиқ маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг 3–5-иловаларига мувофиқ ҳисобланган компенсация миқдори экспорт қилувчи амалга оширган ҳақиқий транспорт харажатларининг 50 фоизидан ошиб кетган ҳолатларда компенсация миқдори экспорт қилувчи транспорт харажатларининг 50 фоизига тенг бўлади.

Бироқ, юкоридаги тартибда ҳисобланган компенсация миқдори маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатисиз):

автомобиль транспортида ташишда 5 фоизидан;

темир йўл транспортида ташишда 7 фоизидан;

ҳаво транспортида ташишда ТИФ ТН коди 07,08, 0904 ва 1202 билан бошланувчи мева-сабзавот маҳсулотларига 12 фоизидан, бошқа маҳсулотларга 6 фоизидан ортиб кетган ҳолатларда компенсация миқдори маҳсулот экспорт қийматига (транспорт харажатисиз) нисбатан ушбу белгиланган фоизлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

*Мисол учун: Узум маҳсулоти ҳажми 18500 кг, экспорт қиймати – 157 250 000 сўм (8500сўм/кг), импорт қилувчи давлат – Россия Федерацияси, транспорт харажати – 25 000 000 сўм унинг 50 фоизи 12 500 000 сўм, қатъий белгиланган субсидия миқдори 480 сўм/кг Компенсация миқдори: қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича – 18500*480 = 8 880 000 сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (5 фоизи) – 7 862 500 сўм. Демак, тўлаб бериладиган компенсация миқдори 7 862 500 сўмга тенг.*

19. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оширилади. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган транспорт харажатининг миллий валютадаги қиймати экспорт қилувчи томонидан транспорт

харажатлари учун тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

20. Экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини компенсация қилиш ваколатли орган томонидан, унинг буюртманомаларига мувофиқ 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган субсидия маблағлари доирасида амалга оширилади.

21. Ваколатли орган ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида экспорт қилувчилар томонидан тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиш якунларига мувофиқ экспорт қилувчиларга компенсациялар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига буюртманома тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган томонидан тақдим этилган буюртманомани олган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида буюртманомада кўрсатилган субсидия маблағларини ваколатли органнинг маҳсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда, молия йили якуни бўйича ушбу шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

23. Ваколатли орган маҳсус ғазна ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини икки иш куни мобайнида ваколатли орган томонидан компенсация берилиши белгиланган тегишли экспорт қилувчиларнинг тижорат банкларидағи ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

24. Маҳсулотлар консигнация шартномалари асосида экспортга чиқарилганда мазкур Низомга мувофиқ экспорт қилувчига тақдим этилган компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қарздорлик сифатида эътироф этилади агар:

маҳсулотлар учун тўловлар шартнома ва қонунчиликда белгиланган муддатларда экспорт қилувчига келиб тушмаса;

маҳсулотлар сотилмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтариб келинса.

Бунда, экспорт қилувчи шундай ҳолат юз бергандан бошлаб бир ой муддатда тегишли компенсация тўловларини ваколатли органга қайтариши талаб этилади. Ушбу муддатда қайтарилимаган компенсация тўлови қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундурувга каратиласди.

25. Компенсация берилган экспорт қилувчиларнинг реестри ваколатли орган томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

6-боб. Якуний қоидалар

26. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига маҳсулотларни экспорт қилишдаги транспорт харажатларини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

КАС

ЛА
АТ
АЗИ

О*

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари хисобидан компенсация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳузуридаги
Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчининг
аризаларини кўриб чиқиши**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Экспорт қилувчи	<p>Ариза ва куйидаги ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташки иқтисодий маълумотлар портали орқали топшириш:</p> <p>экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси.</p> <p>божхона юқ декларацияси нусхаси.</p> <p>транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси билан тузилган шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўз балансидаги автомобиль транспортида экспортга ташигандан транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳисобкитоблар тегишли ҳужжатлар нусхалари билан тақдим этилади.</p> <p>маҳсулотларни экспортга ташиш юхатлари нусхаси.</p> <p>маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда маҳсулотлар экспортга ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойигача бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар (автомобилда ташища юхати ҳужжати (CMR)нинг 27-29 бандларидаги маълумотлар, темир йўл транспортида ташища юхати ҳужжатининг 22-бандидаги маълумотлар асосида);</p> <p>маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси.</p>	Экспорт қилувчининг ихтиёрига кўра
2-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	<p>Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ва компенсация тақдим этиш бўйича қарор (хулоса) қабул қилиш:</p> <ul style="list-style-type: none">- ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда, уларни экспорт қилувчига жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтариш;- тўлиқ тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тегишли қарор (хулоса) қабул қилиш ва экспорт қилувчини хабардор қилиш.	3 иш куни мобайнида 7 иш куни мобайнида
3-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Субсидия ажратиш бўйича буюртманома тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш.	Ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюртманомасига мувофиқ Давлат бюджетидан субсидия ажратиш.	Буюртманомани қабул қилган кундан бошлаб 3 иш кунида
5-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Компенсация тўловини экспорт қилувчининг аризасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.	Ғазна ҳисобварағига субсидия маблағи тушган кундан бошлаб 2 иш кунида

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблаглари ҳисобидан компенсация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги хузуридаги Экспортни
рағбатлантириш агентлигига

дан
(экспорт қилувчининг номи)

Ариза

_____ томонидан _____ автомобиль/темир йўл/ҳаво
(экспорт қилувчининг номи) (мамлакат номи)
транспортида экспорт қилинган, умумий қиймати АҚШ долларига teng, ТИФ ТН коди
бўлган _____ маҳсулот(лар)ини экспорт қилиш учун
сарфланган

(маҳсулотнинг номи)
сўм микдоридаги транспорти харажатининг 50 фоизигача қисмини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиш масаласини кўриб
чикишингизни _____ ва _____ тегишли _____ компенсация _____ тўловини

(банк номи)
тижорат банкининг _____ филиалидаги _____ ҳисоб рақамга ўтказиб
(худуднинг номи)
беришингизни сўрайман.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинмоқда:

1. Экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси.
2. Божхона юқ декларацияси нусхаси.

3. Транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси билан
тузилган шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар
нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўз балансидаги автомобиль транспортида
экспортга ташиганда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳисоб-китоблар тегишили
ҳужжатлар нусхалари билан тақдим этилади.

4. Маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда
маҳсулотлар экспортга ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб
бериши жойигача бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги
маълумотлар;

5. Маҳсулотларни экспортга ташиши юхнатлари нусхаси.
6. Маҳсулотларнинг келиб чиқши сертификати нусхаси.

_____ раҳбари
(экспорт қилувчи)

(Ф.И.О.)

Боғланиш учун телефон: +998 (____)



Махсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан
компенсация қилиш тартиби түғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Махсулотларни экспортта ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилишга тақдим этиладиган субсидияларнинг қатъий миқдорлари
(автомобиль транспортида ташилганда)

т/р	Махсулот номи	Махсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси* (3500 км гача бўлган худудларига)	Беларусь, Украина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Осиё китъаси		Европа китъаси	Америка китъаси	Африка китъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлари)										
							Яқин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинч океани давлатлари														
I. Озиқ-овқат махсулотлари																						
I.1. Бошқариладиган температура талаб этиладиган																						
1	Тухум, парранда гўшти ва махсулотлари	0407210000, 0207	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
2	Помидорлар	0702000001-0702000009	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
3	Саримсоқ	0703200000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
4	Гулкарам	0704100000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
5	Салатлар (латук, айсберг, радиҷо, оаклиф, лолло-росса ва бошқалар)	0705	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
6	Бодринглар	0707000501-0707000509	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
7	Кўкатлар	0709400000, 0709700000, 0709991000, 0709999000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
8	Ширин қалампир хўл ёки музлатилган	0709601000, 0710805100	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
9	Аччиқ қалампир	- 0709609900	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
10	Музлатилган сабзавотлар	0710809500	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
11	Лимон	0805501000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
12	Узум	0806101000, 0806109000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
13	Тарвуз	0807110000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
14	Қовун	0807190000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
15	Олма	0808108001-0808108004	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
16	Нок	0808309000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
17	Ўрик	0809100000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
18	Гилос	0809290000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
19	Нектарин	0809301000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
20	Шафтоли	0809309000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
21	Олхўри	0809400500	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
22	Олча	0809210000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
23	Хурмо	0810700000	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
24	Анор	0810907500	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
25	Музлатилган ёки консерваланган мевалар	0811, 0811907500, 0811908000, 0811909500, 0812902500	260	480	700	540	540	1300	760	540	540	1300										
I.2. Бошқариладиган температурода талаб этилмайдиган озиқ-овқат махсулотлари																						
26	Қовул	0711907000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240										
27	Куритилган сабзавотлар	0712909000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240										
28	Ёнғок	0802310000, 0802320000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240										

30.06.2020 й.

т/р	Махсулот номи	Махсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси* (3500 км гача бўлган худудларига)	Беларусь, Украина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Оснё китъаси		Европа китъаси	Америка китъаси	Африка китъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлари)
							Якин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинч океани давлатлари				
29	Бодом	0802111000, 0802119000, 0802121000, 0802129000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
30	Майиз	0806203000, 0806209000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
31	Куритилган мевалар	0813100000, 0813200000, 0813300000, 0813401000, 0813403000, 0813409500, 0813501500, 0813501900, 0813509100, 0813509900	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
32	Куритилган, майдаланган ва янчилган қалампир	0904110000, 0904120000, 0904211000, 0904219000, 0904220000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
33	Ерёнгоқ	1202, 1202410000, 1202420000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
	Саноат махсулотлари											
34	Табиий узум винолари	2204101100, 2204219700, 2204219800, 2204299501, 2204299508, 2204299601, 2204299701, 2204299708, 2204299709, 2204299801, 2204299809, 2204309800	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
35	Конъик дистилляти	2208208900	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
36	Таркибида антибиотиклар бўлган пенициллинлар, дори воситалари	3004100001, 3004100006, 3004200001, 3004200002	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
37	Гулкоғозлар ва шунга ўҳаша девор қопламалари	4814200000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
38	Газлама	5208-5212	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
39	Тўқима гиламлар	5702429000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
40	Линолеум	5904100000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
41	Трикотаж мато	60	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
42	Тикув-трикотаж махсулотлари	61-63	225	540	675	742	742	1860	1110	742	742	1860
43	Сув ўтказмайдиган пойабзal	6401921000, 6401929000, 6401990000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
44	Пойабзal	6403200000, 6403400000, 6403911600, 6403999100, 6403999600, 6404199000, 6404209000, 6405100000, 6405209100, 6405209900, 6405901000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
45	Шлак пахта, минерал пахта ва бошқалар	6806100008, 6806209000, 6806900000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
46	Тош ётқизиш учун плиталар	6907219001, 6907229003, 6907229009, 6907239003	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
47	Керамикадан ясалган пардоzlash буюмлари	6907409003, 6907409009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
48	Ошхона идишлари ва бошқалар	6912001000, 6912002100, 6912002300, 6912002500, 6912002900, 6912005000, 6912008100, 6912008900, 6912009000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240



т/р	Махсулот номи	Махсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси* (3500 км гача бўлган худудларига)	Беларусь, Укарина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Осёп китъаси		Европа китъаси	Америка китъаси	Африка китъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлари)
							Якин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинҷ океани давлатлари				
49	Шиша тола	7019199009, 7019310000, 7019390009, 7019510000, 7019590000, 7019900009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
50	Шиша идишлар	7010901000, 7010904100, 7010904300, 7010904500, 7010905300, 7010907100, 7010907900	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
51	Қалпоқлар ёки вентиляцияли шкафлар	8414600000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
52	Кир ювниш машиналари	8450120000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
53	Аккумуляторлар	8507102003	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
54	Трансформаторлар	8504210000, 8504221000, 8504229000, 8504230000, 8504312900, 8504318009, 8504330000, 8504340000, 8504403009, 8504405500, 8504408200, 8504408800, 8504409000, 8504509500, 8504901800, 8504909900	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
55	Чанг ютичлар	8508190001	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
56	Тақсимлагичлар, ўт олдириш галтаклари	8511400008	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
57	Электр ускуналар	8511500009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
58	Электр ёритиш ва сигнализация ускуналари	8512200001, 8512200009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
59	Печлар ва камералар	8514900000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
60	Электр сув иситгичлар, микротўлкинили печлар, печлар, электр плиталар ва х.к.	8516108000, 8516500000, 8516601010, 8516601090, 8516607000, 8516609000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
61	Овозни қабул қилиш ва узатиш учун аппаратура, телевизион алоқани қабул қилиш учун аппаратура	8517620009, 8528722001	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
62	Коммутация учун электр аппаратура	8535900000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
63	Пультлар, панеллар, консоллар ва бошқалар	8537109900, 8537209100	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
64	Диодлар	8541100009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
65	Ўралган ва изоляцияланган симлар, ўт олдириш свечалари учун симлар тўплами, электр ўтказгичлар	8544111000, 8544300008, 8544499101, 8544499109, 8544499309, 8544499500, 8544609009	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
66	Ўтириш учун мебель	9401610000, 9401690000, 9401903000	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
67	Ўйинчоклар	9503001000, 9503003500, 9503007000, 9503009500	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240
68	Гигиена воситалари	9619008101	225	360	450	495	495	1240	740	495	495	1240

*Изоҳ: Экспортта юк ортилган жойдан 3500 км дан ортиқ масофадаги Россия Федерацияси худудларига экспорт амалга оширилганда қатъий белгиланган субсидия миқдори кейинги ҳар 500 км гача бўлган масофага рефрижераторли автомобилда ташилганда 70 сўм/кг ҳамда бошқа автомобилларда ташилганда 50 сўм/кг миқдорга ошириб ҳисобланади. Бунда, йўл масофасини ҳисобланашда 50 км гача бўлган четлашибашга йўл қўйилиши мумкин. Мисол учун, 550 км гача бўлган масофа 500 км

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан
компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Маҳсулотларни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилишга таҳдим этиладиган субсидияларнинг қатъий миқдорлари
(темир йўл транспортида ташилганда)

сўм/кг

т/р	Маҳсулот номи	Маҳсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси	Беларусь, Украина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Осиё китъаси		Европа китъаси	Америка китъаси	Африка китъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлар)										
							Яқин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинч океани давлатлари														
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари																						
I.1. Бошқариладиган температура талаф этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари																						
1	Тухум, парранда гўшти ва маҳсулотлари	0407210000, 0207	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
2	Помидорлар	0702000001-0702000009	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
3	Саримсок	0703200000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
4	Гулкарарм	0704100000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
5	Салатлар (латук, айсберг, радибо, сақлиф, лолло-rossa ва бошқалар)	0705	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
6	Бодринглар	0707000501-0707000509	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
7	Кўяқатлар	0709400000, 0709700000, 0709991000, 0709999000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
8	Ширин калампир ҳўл ёки музлатилган	0709601000, 0710805100	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
9	Аччиқ қалампир	0709609900	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
10	Музлатилган сабзавотлар	0710809500	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
11	Лимон	0805501000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
12	Узум	0806101000, 0806109000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
13	Тарвуз	0807110000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
14	Қовун	0807190000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
15	Олма	0808108001-0808108004	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
16	Нок	0808309000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
17	Ўрик	0809100000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
18	Гилос	0809290000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
19	Нектарин	0809301000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
20	Шафтоли	0809309000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
21	Олхўри	0809400500	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
22	Олча	0809210000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
23	Хурмо	0810700000	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
24	Анор	0810907500	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
25	Музлатилган ёки консерваланган мевалар	0811, 0811907500, 0811908000, 0811909500, 0812902500	115	439	706	360	233	1 000	946	781	772	1 128										
I.2. Бошқариладиган температурада талаф этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари																						
26	Ковул	0711907000	112	563	599	347	219	1 465	1 104	1 104	880	1 643										
27	Куритилган сабзавотлар	0712909000	118	649	707	422	269	1 465	1 104	1 104	880	1 643										
28	Ёнғоқ	0802310000, 0802320000	109	581	635	372	231	1 465	1 085	1 077	861	1 569										

т/р	Махсулот номи	Махсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси	Беларусь, Укарина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Осиё китъаси		Европа китъаси	Америка китъаси	Африка китъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлар)
							Яқин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинҷ океани давлатлари				
29	Бодом	0802111000, 0802119000, 0802121000, 0802129000	109	581	635	372	231	1 465	1 085	1 077	861	1 569
30	Майиз	0806203000, 0806209000	109	581	635	372	231	1 465	1 085	1 077	861	1 569
31	Куритилган мевалар	0813100000, 0813200000, 0813300000, 0813401000, 0813403000, 0813409500, 0813501500, 0813501900, 0813509100, 0813509900	109	594	635	372	231	1 465	1 085	1 077	861	1 569
32	Куритилган, майдаланган ва янчилган калампир	0904110000, 0904120000, 0904211000, 0904219000, 0904220000	120	594	647	380	241	1 465	1 104	1 104	880	1 643
33	Ерёнгоқ	1202, 1202410000, 1202420000	64	581	635	372	231	1 465	1 085	1 077	861	1 569
	Саноат маҳсулотлари											
34	Табиий узум винолари	2204101100, 2204219700, 2204219800, 2204299501, 2204299508, 2204299601, 2204299701, 2204299708, 2204299709, 2204299801, 2204299809, 2204309800	198	739	753	461	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
35	Конъяк дистилляти	2208208900	105	470	492	280	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
36	Таркибида антибиотиклар бўлган пенициллинлар, дори воситалари	3004100001, 3004100006, 3004200001, 3004200002	133	545	619	387	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
37	Гулкогозлар ва шунга ўхшаш девор копламалари	4814200000	116	694	685	430	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
38	Газлама	5208-5212	133	562	691	299	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
39	Тўқима гиламлар	5702429000	130	751	795	365	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
40	Линолеум	5904100000	92	555	534	245	664	1 568	1 251	1 287	1 038	1 759
41	Трикотаж мато	60	118	764	889	374	653	1 635	1 269	1 315	1 058	1 834
42	Тиқув-трикотаж маҳсулотлари	61-63	214	1 249	1 379	589	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
43	Сув ўтказмайдиган пойабзal	6401921000, 6401929000, 6401990000	214	1 356	1 353	589	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
44	Пойабзal	6403200000, 6403400000, 6403911600, 6403999100, 6403999600, 6404199000, 6404209000, 6405100000, 6405209100, 6405209900, 6405901000	214	1 356	1 353	589	664	1 635	1 269	1 315	1 086	1 834
45	Шлак пахта, минерал пахта ва бошқалар	6806100008, 6806209000, 6806900000	185	1 355	853	542	636	1 568	1 251	1 287	1 038	1 759
46	Тош ётқизиш учун плиталар	6907219001, 6907229003, 6907229009, 6907239003	85	425	350	219	646	1 568	1 251	1 287	1 066	1 759
47	Керамикадан ясалган пардозлаш буомлари	6907409003, 6907409009	85	425	350	219	646	1 568	1 251	1 287	1 066	1 759
48	Ошхона идишлари ва бошқалар	6912001000, 6912002100, 6912002300, 6912002500, 6912002900, 6912005000, 6912008100, 6912008900, 6912009000	149	858	982	425	664	1 635	1 269	1 287	1 086	1 834

т/р	Махсулот номи	Махсулот ТИФ ТН коди	Афғонистон	Россия Федерацияси	Беларусь, Украина, Молдова	Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия)	Осиё китъаси		Европа қитъаси	Америка қитъаси	Африка қитъаси	Бошқалар (Австралия ва орол давлатлар)
							Яқин Шарқ ва бошқа Осиё давлатлари	Осиё-Тинч океани давлатлари				
49	Шиша тола	7019199009, 7019310000, 7019390009, 7019510000, 7019590000, 7019900009	146	1 355	1 353	589	636	1 568	1 251	1 287	1 038	1 759
50	Шиша идишлар	7010901000, 7010904100, 7010904300, 7010904500, 7010905300, 7010907100, 7010907900	146	1 355	1 353	589	636	1 568	1 269	1 287	1 086	1 759
51	Қалпоклар ёки вентиляциялы шкафлар	8414600000	132	1 109	1 082	414	538	1 583	1 251	1 287	1 066	1 759
52	Кир ювиш машиналари	8450120000	149	1 109	1 227	425	556	1 650	1 269	1 287	1 086	1 834
53	Аккумуляторлар	8507102003	85	609	586	212	528	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759
54	Трансформаторлар	8504210000, 8504221000, 8504229000, 8504230000, 8504312900, 8504318009, 8504330000, 8504340000, 8504403009, 8504405500, 8504408200, 8504408800, 8504409000, 8504509500, 8504901800, 8504909900	118	1 053	1 049	365	528	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759
55	Чанг ютгичлар	8508190001	133	995	948	373	545	1 650	1 269	1 315	1 058	1 834
56	Таксимлагичлар, ўт олдириш ғалтаклари	8511400008	118	1 053	1 049	365	528	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759
57	Электр усқуналар	8511500009	118	1 053	1 049	365	466	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759
58	Электр ёритиш ва сигнализация усқуналари	8512200001, 8512200009	118	1 053	1 049	365	545	1 650	1 251	1 287	1 038	1 834
59	Печлар ва камералар	8514900000	118	1 053	1 049	365	528	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759
60	Электр сув иситгичлар, микротұлқынлы печлар, печлар, электр плитаалар ва х.к.	8516108000, 8516500000, 8516601010, 8516601090, 8516607000, 8516609000	118	1 053	1 049	365	556	1 650	1 251	1 287	1 038	1 834
61	Овозни қабул қылыш ва узатыш учун аппаратура, телевизион алоқаны қабул қылыш учун аппаратура	8517620009, 8528722001	150	1 277	1 316	444	545	1 583	1 251	1 287	1 058	1 759
62	Коммутация учун электр аппаратура	8535900000	98	1 053	1 049	365	528	1 583	1 251	1 287	1 058	1 759
63	Пульталар, панеллар, консоллар ва бошқалар	8537109900, 8537209100	103	995	1 094	373	545	1 650	1 251	1 287	1 058	1 834
64	Диодлар	8541100009	199	1 609	1 644	562	545	1 650	1 269	1 315	1 058	1 834
65	Үралған ва изоляцияланған симлар, ўт олдириш свечалары учун симлар түплами, электр ўтказгичлар	8544111000, 8544300008, 8544499101, 8544499109, 8544499309, 8544499500, 8544609009	88	979	980	377	538	1 583	1 251	1 287	1 058	1 759
66	Ўтириш учун мебель	9401610000, 9401690000, 9401903000	199	1 462	1 665	589	556	1 650	1 252	1 315	1 086	1 834
67	Ўйнинчоклар	9503001000, 9503003500, 9503007000, 9503009500	199	1 459	1 546	589	556	1 650	1 269	1 315	1 086	1 834
68	Гигиена воситалари	9619008101	170	1 554	1 408	542	528	1 583	1 251	1 287	1 038	1 759



Маҳсулотни экспорт килишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан
компенсация килиш тартиби тўгрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Маҳсулотларни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилишга тақдим этиладиган субсидияларнинг қатъий миқдорлари*
(ҳаво транспортида ташилганда)

т/р	Маҳсулот номи	Москва	Новосибрск	Дубай	Пекин	Шанхай	Тяньцзинь	Сеул	Лондон	сўм/кг				
										Бошқа давлатлар (шаҳарлар)				
	Барча турдаги маҳсулотларга	7250	7250	5500	6250	6500	10500	9000	14000	7200	8100	9900	11700	13500

*Изоҳ: Қатъий белгиланган субсидия миқдори маҳсулотлар чартер рейслари ёки факат юқ ташиш учун ташкил этилган мунтазам рейслар орқали ташилганда амал қиласди.

Махсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Транспорт харажатлари бўйича компенсация берилган экспорт қилувчиларнинг реестри

T/p	Экспорт қилувчи номи	Экспорт шартномаси (инвойс)нинг идентификация рақами ва/ёки воситачилик шартномаси рақами ва санаси		Божхона юқ декларацияси рақами ва санаси	Махсулот учун тўлов мавжудлиги (бўнак тўлови, аккредитив, консигнация шартида)	Автомобиль/ темир йўл транспорти босиб ўтган жами йўл масофаси, км	Экспортга юқ ортиш жойи/ станцияси/ аэропорти номи (манзили, рақами ёки бошқа)	Экспортга ортилган юкнинг сўнгти етиб бориш жойи/ станцияси / аэропорти номи	Махсулот умумий экспорт киймати (шартномаси бўйича, транспорт харажатини айрган холда), сўм	Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми, кг	Махсулот экспорт қиймати бўйича ҳисобланган компенсация миқдори, сўм	Экспорт қилувчи транспорт харажати, сўм	Қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича ҳисобланган компенсация миқдори, сўм	Экспорт қилувчига тақдим этилган компенсация миқдори, сўм
		номи	ТИФ ТН коди											
1.														
2.														
3.														
...														